

ПОЧТА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲИСОБ ВА АУДИТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИЙ АСОСЛАРИ

СамИСИ PhD доцент в.б. Х.Х. Эргашов
СамИСИ магистранти Б.Б. Азимов

Аннотация: Ушбу мақолада почта хизматларининг бугунги аҳоли ҳаёт даражасида муҳим бир омил сифатида қаралиши ва почта хизматларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитида кўплаб муоммолар мавжудлиги баён қилинган.

Калитли сўзлар: почта алоқаси, почта хизматлари, курьерлик хизматлари, универсалхизматлар, почта жўнатмалари, ёзма хат-хабарлар.

Аннотация: В данной статье показано, что почтовые услуги рассматриваются как важный фактор уровня жизни современного населения и что существует множество проблем в области учета и аудита почтовых услуг.

Ключевые слова: почтовая связь, почтовые услуги, курьерские услуги, универсальные услуги, почтовые отправления, письменные письма.

Abstract: This article shows that postal services are regarded as an important factor in the standard of living of today's population and that there are many problems in the accounting and auditing of postal services.

Key words: postal communication, postal services, courier services, universal services, postal items, written letters.

Республикамиз иқтисодиётини жадал ва мутаносиб ривожлантиришда, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширишда хизматлар соҳасининг ўрни бекиёсдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

Хизматлар соҳасида почта алоқаси хизматлари муҳим ўрин тутади. Ушбу хизматларсизодамларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг кўплаб ижтимоий-иқтисодий, маънавий, маърифий ва бошқа талабларини қониқтириб бўлмайди. Бундай талабларнинг ўсиб бориши, табиий равишда, почта алоқаси хизматларини борган сари раванқ топтиришни объектив зарурат қилиб қўяди.

Республикамизда почта алоқаси хизматлари ва улар билан боғлиқ барча муносабатлар махсус «Алоқа тўғрисида», «Почта алоқаси тўғрисида», "Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" ва бошқа қонунлар орқали тартибга солинган.

Республикамизнинг «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунига (31.08.2000 йил, N 118-II) мувофиқ **почта алоқаси хизматлари** деганда почта алоқаси

оператори ёки провайдерининг почта ва курьерлик хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти тушунилади.

Почта алоқаси оператори – бу мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури сифатида почта алоқаси хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс.

Почта алоқаси провайдери – бу фойдаланувчиларга почта алоқаси операторларининг тармоғи орқали почта, курьерлик хизматлари кўрсатувчи юридик шахс.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, почта алоқаси хизматлари бошқа хизмат турларидан фарқли ўлароқ монопол хизматлар сирасига киради. Улар бизнинг республикамизда фақат «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятига қирувчи почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан кўрсатилади.

Почта алоқаси хизматлари ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектларда даромад ва фойда олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шунингдек, почта алоқаси хизматлари ушбу соҳа субъектларида маблағ сарфлашнинг бош объекти бўлиб ҳисобланади. Айнан шу сифатда почта алоқаси хизматлари ушбу хизматларини кўрсатувчи субъектларда юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг ҳамда уларда ўтказиладиган аудитнинг асосий объекти бўлиб ҳисобланади.

Бошқарув воситаси сифатида бухгалтерия ҳисоби почта алоқаси хизматларини кўрсатувчи операторлар ва провайдерлар фаолиятини ифодаловчи пул бирлигидаги барча миқдор кўрсаткичлар, чунончи даромадлар, харажатлар, фойда ёки зарар, хўжалик маблағлари ва уларни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни тизимли равишда акс эттириш, ушбу ахборотларни тегишли фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиш каби талабларга жавоб бериши лозим. Молиявий назоратнинг муҳим тури сифатида аудит ушбу субъектлар томонидан тузилган молиявий ҳисоботларни, юз берган жараёнлар ва операцияларни республикамиз қонунларига мослиги ёки мос келмаслиги ҳақида аудиторларга ўз фикрини шакллантиришга имкон бериши керак. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит томонидан улар олдида қўйилаётган ушбу талабларни тўлиқ ва ҳаққоний бажарилиши кўп жиҳатдан почта алоқаси хизматларининг ушбу бошқарув воситалари объектлари сифатидаги таснифий ҳамда тавсифий асосларининг мавжудлигига бевосита боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит қонунчилиги ҳужжатларида почта алоқаси хизматларининг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифи ва тавсифи етарлича ўз аксини топмаган. Ушбу муҳим масала даврий адабиётларда, чунончи дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда ҳам атрафлича берилмаган.

Бизнингча, почта алоқаси хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг хусусиятлари махсус стандарт ёки йўриқнома мақомидаги меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланиши мақсадга

мувофиқ. Мос равишда, меъерий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган почта алоқаси хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит хусусиятларини дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларга ҳам киритиш лозим.

Фикримизча, махсус стандарт ёки йўриқнома мақомидаги меъерий ҳужжатларда, шунингдек уларга мос равишда тайёрланадиган дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда почта алоқаси хизматларининг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифий асослари етарлича очиб берилиши керак.


Почта алоқаси хизматларининг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифи ва тавсифини очиб беришда, бизнингча, авваламбор, уларнинг «Почта алоқаси тўғрисида қонун»да келтирилган тавсифлари асос қилиб олиниши лозим. Шунингдек, ушбу хизматларни ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифий жиҳатларини белгилашда республикамизнинг бошқа қонун ҳужжатлари талаблари эътиборга олиниши керак.

Фикримизча, почта алоқаси хизматларини бухгалтерия ҳисоби ва аудит объектлари сифатида қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

- (1) хизмат гуруҳлари;
- (2) хизмат турлари;
- (3) почта жўнатмалари ва ўтказмаларининг жисмоний шакллари;
- (4) хизматларни бажариш усуллари ва муддатлари;
- (5) ҳисоб-тўлов турлари;
- (6) тариф ва расценкаларни белгилашга асос қилиб олинган мезонлар;
- (7) солиққа тортилиши;
- (8) бошқалар.

Бизнингча, почта алоқаси хизматларини бухгалтерия ҳисоби ва аудит объектлари сифатида таснифлашда уларнинг “Почта алоқаси тўғрисида қонун”да келтирилган гуруҳлари ва турларини бирламчи асос қилиб олиш лозим. Чунки, айнан почта алоқаси хизматлари гуруҳлари ва турлари бу хизматларни кўрсатувчи субъектлар асосий фаолиятининг бош мақсади ва мазмунини ифодалайди. Бошқарув воситаси сифатида бухгалтерия ҳисобининг бош мақсади ва асосий вазифаси бўлиб макон ва замонда амалга оширилаётган почта алоқаси хизматлари гуруҳлари ва турлари тўғрисида пул бирлигидаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ва тегишли фойдаланувчиларга етказиб бериш ҳисобланади.

“Почта алоқаси тўғрисида қонун”га мувофиқ барча почта алоқаси хизматлари қуйидаги 3 та гуруҳга бирлаштирилади (1-расмга қаранг).



1-расм. Почта алоқаси хизматлари гуруҳлари

Почта алоқаси хизматлари ҳар бир гуруҳи ўз ичига аниқ турдаги хизматларни олади. Чунончи, «Ўзбекистон почтаси» АЖ веб-сайтида келтирилган маълумотларга кўра, почта алоқаси хизматларининг юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳи таркибига қуйидаги хизмат турлари киритилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Почта алоқаси хизматлари алоҳида гуруҳларига кирувчи хизматларнинг турлари

| № | Хизматлар гуруҳи | Гуруҳ таркибига кирувчи хизмат турлари |
|---|----------------------|---|
| 1 | Почта хизматлари | <ul style="list-style-type: none">*Оддий, буюртмалихатларни ва қийматли эълон қилинган хатларни жўнатиш (ички ва халқаро);* Оддий ва буюртмали почта карточкаларини жўнатиш (ички ва халқаро);* Оддий ,буюртмали ва қийматли эълон қилинган бандеролларни республика бўйича жўнатиш гушумлар;*Оддий ва буюртмали секограммаларни жўнатишдан (ички ва халқаро);*Оддий ва қийматли эълон қилинган магантиофадаги посилкаларни жўнатиш (ички ва халқаро);*Буюртмали майда пакетларни жўнатиш (ички ва халқаро);*Мосравишда қопланган чоп этилган нашрларни жўнатиш (ички ва халқаро);*Республика бўйича оддий, телеграфли ва электрон пул ўтказмаларини жўнатиш;* Халқаро оддий ва электрон пул ўтказмаларини жўнатиш. |
| 2 | Курьерлик хизматлари | <ul style="list-style-type: none">*Почта карточкаларини етказиб бериш (ички ва халқаро);*Хатларни етказиб бериш (ички ва халқаро);*Бандеролларни етказиб бериш (ички);*Посилкаларни етказиб бериш (ички ва халқаро);*Тегишли қоғдамаларда чоп этилган нашрларни етказиб бериш (ички ва халқаро). |

| | | |
|---|------------------------|--|
| 3 | Универсал хизматлар | *Газета ва журналларга обуналарни қабул қилиш; *Пенсия вана фақаларни етказиб бериш; *Даврий нашрлар, журналлар, китоблар ва бошқаларни етказиб бериш; *Телеграммаларни қабул қилиш ва етказиб бериш; *Шаҳарлар оаро ва халқаро телефон сўзлашувларни хизматларини кўрсатиш; *Коммунал хизматлар (электроэнергия, газ, иситиш, иссиқсув ва бошқалар) тўловларини ва шаҳар телефони учун абонент ҳақини қабул қилиш; *Почта маркаларини ва филателия маҳсулотлари, даврий нашрлар, журналлар, китоблар, истеъмолтоварларини сотиш. *Посилкаларни сақлаш, ўраш, қайта ўраш хизматлари; *Посилка ящиклари, бандеролка ва каробкаларини ва халталарни сотиш; *Почта жўнатмаларини манзилларини ёзиб бериш ва почта бланкаларини тўлдириб бериш; *Абонентлик ящикларини тақдим этиш |
|---|------------------------|--|

Почта алоқаси хизматларини бажаришнинг юқорида келтирилган усуллари бир-биридан улар учун ундириладиган ҳақ (тариф) миқдори бўйича ҳам фарқланади. Ушбу усуллар почта хизматларини кўрсатувчи субъектлар оладиган даромадларга бевосита ўз таъсирини ўтказди. Шу боис ҳам, почта алоқаси хизматларини уларни бажаришда қўлланиладиган усуллар бўйича тўғри ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисобини юритиш ўта муҳим ҳисобланади.

Почта алоқаси хизматларини кўрсатишда улар учун тариф ва расценкаларни белгилашга асос қилиб олинadиган мезонлар ўта муҳимдир. Бундай мезонлар сифатида турли ўлчов бирликларидаги натурал ва пул бирлигидаги кўрсаткичлар олинади. Чунончи, бундай кўрсаткичлар тизими ҳамда уларнинг миқдори барча почта операторлари ва провайдерлари учун алоҳида жўнатмалар, ўтказмалар ва хизматлар бўйича бир хилдир. Почта алоқаси хизматларини улар учун тўловларни амалга ошириш турлари бўйича таснифлаш ўта муҳим. Ушбу белгисига кўра барча почта алоқаси хизматлари қуйидаги турларга бўлинади:

- *нақд пулга кўрсатилган хизматлар;
- *пластик карта орқали тўлови амалга оширилган хизматлар;
- *нақдсиз пул кўчириш орқали кўрсатилган хизматлар;
- *корпоратив пластик орқали тўлови амалга оширилган хизматлар.

Почта алоқаси хизматларини солиқ тўловларига муносабатига кўра ҳам тўғри таснифлаш катта аҳамият касб этади. Бундай тасниф солиққа тортиладиган ва солиққа тортилмайдиган алоқа хизматларини, солиқ имтиёзларига эга бўлган хизмат турлари ҳисобини тўғри юритишнинг асосий гарови бўлиб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Пўлатов, Х. Ў., & Абдугаппаров, Ш. А. (2022). БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИДА ФОЙДА СОЛИҒИНИНГ

ХИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. Экономика и социум, (5-1 (96)), 593-596.

2. Пўлатов, Х. Ў., & Абдурасулов, Ж. А. (2022). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ХИСОБНИ АЙРИМ МАСАЛЛАРИ. Экономика и социум, (5-2 (92)), 679-682.

3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и социум, (4-2 (83)), 318-323.

4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ТУРЛИ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ТОВАР АЙЛАНМАСИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Экономика и социум, (5-2 (84)), 186-189.

○